

Тушнинг турлари ва туш кўришга оид одоблар



11:30 / 16.01.2018 16206

Тушлар уч хил бўлади:

1. Аллоҳ томонидан бўлган солиҳ туш;
2. Шайтондан бўлган тушкунликка солувчи туш;
3. Хаёлидан ўтказган нарсаларни тушида кўриш.

Солиҳ тушга оид одоблар:

1. Аллоҳ ҳамд айтиш;

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Бирортангиз ўзи ёқтирган тушни кўрса, у фақат Аллоҳдандир, бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтсин ва уни айтиб бераверсин. Агар ундан бошқа, ўзи ёқтирмаган тушни кўрса, у фақат шайтондандир. Шунинг учун унинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин ва уни ҳеч кимга айтмасин, шунда унга зарар қилмайди».

Бухорий ривоят қилган.

عَدَاتِقْ أَبَا تَعْمَسِ يَحِيَّ ضُرْمَتَ أَيُّورِلَا يَرَأْتُنْكَ دَقْلَ: لَأَقَّ عَمَلَسِ يَبْأَنْعَ
أَيُّورِلَا: لُوقِي أَيُّورِلَا تَعْمَسِ يَحِيَّ، يَنْضُرْمَتَ أَيُّورِلَا يَرَأَلُ تَنْكَ أَنْ أَوْ: لُوقِي
أَمْ يَأْرَ إِذْ أَوْ، بِحِيٍّ نَمَّ الْإِوَبُ شَدَّحِي الْفُحِيٍّ أَمْ مُكْدَحِ يَأْرَ إِذْ إِفْءَ هَلْ لَمْ نَمَّ نَسَحِ لَ
نَشَدَّحِي الْو، أَلْ تَلْفَيْ لَوْءَ نَاطِيَّ شَلْ رَشْ نَمَّو، أَوَّرَشْ نَمَّ هَلْ لَبْ دَوَّعَتَيْ لَفْ هَرْكَي
أَمْ لَسْمُ وَيْرَاحُ بَلْ أَوْءَا. [«رَضَتْ نَلْ أَوْءَا إِفْءَ، أَدَحْ أَوْءَا

Абу Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен шундай тушлар кўрардимки, улар мени касал қилар эди. Абу Қатоданинг шундай деганини эшитгунимча шундай бўлди: «Мен шундай тушлар кўрардимки, улар мени касал қилар эди. Бу ҳолат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитгунимча давом этди: «Яхши туш Аллоҳдандир. Бирортангиз ўзи яхши кўрган нарсани туш кўрса, уни фақат ўзи яхши кўрган кишисига айтиб берсин. Агар ўзи ёқтирмайдиган нарсани туш кўрса, унинг ҳамда шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрасин-да, уч бор туфласин ва уни ҳеч кимга айтиб бермасин, шунда унга зинҳор зарар қилмайди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

أَيُّورِلَا مُكْدَحِ يَأْرَ إِذْ: لَأَقُّ هَنْ أَمَّ لَسَوَّ هَيْ لَعْلَلْ لَ L
أَلْ تَلْفَيْ لَوْءَ نَاطِيَّ شَلْ رَشْ نَمَّو،
أَلْ تَلْفَيْ لَوْءَ نَاطِيَّ شَلْ رَشْ نَمَّو. [«هَيْ لَعْلَلْ نَأَكْ يَدَّلْ هَبْ نَجْ نَعْلُ لَوْحَتَيْ لَوْءَ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Агар бирингиз ўзи ёқтирмайдиган туш кўрса, уч марта чап тарафига туфлаб юборсин, уч марта шайтон(нинг ёмонлиги)дан Аллоҳдан паноҳ сўрасин-да, ётган тарафидан бошқа томонга ўгирилиб олсин».

Муслим ривоят қилган.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади